



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 13 июль, № 143 (7373)

Шанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК ВА ДАРОМАД ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 июль куни Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари билан танишди.



Қишлоқ хўжалигида техника паркни мустаҳкамламай туриб сифат ва самардорликка эришиб бўлмайди. Мамлакатимизда йиллар мобайнида турли қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва чуқур маҳаллийлаштиришга етарли эътибор берилмагани оқибатида техника паркнинг йиллик янгиланиш даражаси 2-3 фоиздан ошмас эди.

Маълумки, Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи (собиқ Тошкент трактор заводи) ҳам кучли иқтисодий рақобатга, замонавий бозор талабларига дош беролмай қолган. Оқибатда бир пайтлар гуруҳлар ишлаган корхонанинг бино ва линиялари қаровсизликдан тўкилиб бораётганди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2016-2017 йилларда корхонада рақобатбардорлигини таъминлаш, тракторлар, тиркама ва пахта тереш машиналари тайёрлашни янги сифат даражасига кўтариш мақсадида

ишлаб чиқариш линияларини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестициявий лойиҳа амалга оширилди. Унинг биринчи босқичида қора ва рангли металлари пайвандлаш, қайта ишлаш, штампллаш, трактор кабиначлари ясаш ва бошқа турдаги эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш, буюш линиялари ишга туширилди. Жаҳондаги илгор тажрибани ўрганиш ва кучли рақобатга чидамли замонавий техника воситаларини ишлаб чиқариш учун АКШ, Жанубий Корея ва Беларусь Республикасининг қишлоқ хўжалиги машинасозлигига ихтисослаштирилган етакчи компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш орқали иқтисодийнинг барқарорлигини таъминлаш учун соҳадаги ислохотларга янги суръат бағишлаш, тармоқда рентабеллигини ошириш талаб этилади. Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбарининг ушбу ташри-

фи заводга катта ўзгаришлар олиб келади. Корхона негизида янги заводлар ишга туширилиб, том маънода қишлоқ хўжалиги машинасозлиги санаяти барпо этилади.

Жумладан, локализация даражасини ошириб, импортни қисқартириш мақсадида бу ерда 5 та корхона ташкил этиш режалаштирилган. Улардан бири умумий қиймати 42 миллион доллар бўлган металл қуйиш корхонасидир. Заводнинг 3 гектарлик бўш турган биносини таъминлаш эъланидан корхонада йилга 47 миң тонна халқаро стандартларга жавоб берадиган, юқори аниқликдаги металл қисмлар қуйилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхона учун мўлжалланган бинони қириб қўрди. Машинасозлик корхоналари учун металл қуйиш қуввати — энг муҳим масала. Бунингсиз маҳаллийлаштириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва таннархини пайсаятиришга эришиб бўлмайди. Бу корхо-

наларни ишга туширсак, техникаларимиз рақобатбардор бўлади, фермерларимизга ҳамёнбоп маҳсулотлар етказиб берилади, деди Шавкат Мирзиёев.

Умумий қиймати 24 миллион доллар бўлган яна 4 та лойиҳа трансмиссия валлари, ғилдирак дисклари, кабиначлар ва маҳкамловчи темир буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган. Ушбу лойиҳаларни ишга тушириш натижасида соҳада маҳаллийлаштириш даражаси 60 фоизга етказилади, маҳсулот таннарихи 32 фоизга ва импорт йилга 116 миллион долларга камайд.

Шунингдек, бу янги қувватлар нафақат “Ўзгорттехсанотхолдинг” корхоналари, балки “Ўзавтосаноат” тизимида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, юк машиналари ва автобуслар учун ҳам бутловчи қисмларни кооперация асосида етказиб беришни таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари мута-

хазирги кунда мавжуд техникаларнинг 46 фоизи кўп муддатдан буён фойдаланишда бўлиб, яроқсиз ахволга келиб қолган. Фермерлардаги техниканинг 97 фоизи пахта ва галла учун мўлжалланган.

Йилгилида қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ривожлантириш, маҳсулот ва хизматлар турларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Жорий йил 1 октябрдан бошлаб иқтисодийнинг барча жабҳалари қатори ушбу соҳада ҳам солиқ имтиёзлари бекор қилинаётгани тармоқ корхоналаридан янада фаол ишлашни талаб қилиши қайд этилди. Аввало, бозорбоп техникалар ишлаб чиқариш, таннархини камайтириш, маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш корхоналар олдидидаги энг муҳим вазифалар бўлиши кераклиги таъкидланди.

Кабина, бошқарув тизими, ғилдирак, тезлик узаткич, осма тизимлар каби асосий қисмлар локализация даражасини 32 фоиздан 56 фоизга етказиб, таннархини 30 фоизга арзонлаштириш, шунингдек, маҳаллий корхоналар ўртасида кооперацияни йўлга қўйиш орқали йиллик импортни 20 миллион долларга қисқартириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Фермерларни қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни барқарор молиявий механизмларини яратиш, техникаларга сервис ва таъмирлаш хизмати кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар етказиб беришни яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Қишлоқ хўжалиги техникасини сертифицилаш тизimini такомиллаштириш, тайёр маҳсулотлар билан бирга хизматлар экспортини ҳам кенгайтириш вазифаси қўйилди. Замонавий техникалар ишлаб чиқарувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи малакали мутахассислар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бизга рақобатбардор техника керак, қўшимча қиймат зарур. Тизим корхоналаридан мингглаб одамлар ишлаши лозим. Бугун белгиланган мақсадларни амалга оширадими? Мутахассис. Нима амалга оширадими? Ақл, билим, меҳнат, деди Президентимиз.

Йилгилида белгиланган вазифаларни амалга ошириш режалари юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

Жорий йил 1 октябрдан бошлаб иқтисодийнинг барча жабҳалари қатори ушбу соҳада ҳам солиқ имтиёзлари бекор қилинаётгани тармоқ корхоналаридан янада фаол ишлашни талаб қилиши қайд этилди.

Аввало, бозорбоп техникалар ишлаб чиқариш, таннархини камайтириш, маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш корхоналар олдидидаги энг муҳим вазифалар бўлиши кераклиги таъкидланди.

Кабина, бошқарув тизими, ғилдирак, тезлик узаткич, осма тизимлар каби асосий қисмлар локализация даражасини 32 фоиздан 56 фоизга етказиб, таннархини 30 фоизга арзонлаштириш, шунингдек, маҳаллий корхоналар ўртасида кооперацияни йўлга қўйиш орқали йиллик импортни 20 миллион долларга қисқартириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Фермерларни қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни барқарор молиявий механизмларини яратиш, техникаларга сервис ва таъмирлаш хизмати кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар етказиб беришни яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Қишлоқ хўжалиги техникасини сертифицилаш тизimini такомиллаштириш, тайёр маҳсулотлар билан бирга хизматлар экспортини ҳам кенгайтириш вазифаси қўйилди. Замонавий техникалар ишлаб чиқарувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи малакали мутахассислар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бизга рақобатбардор техника керак, қўшимча қиймат зарур. Тизим корхоналаридан мингглаб одамлар ишлаши лозим. Бугун белгиланган мақсадларни амалга оширадими? Мутахассис. Нима амалга оширадими? Ақл, билим, меҳнат, деди Президентимиз.

Йилгилида белгиланган вазифаларни амалга ошириш режалари юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

Матназор ЭЛМУРДОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот
хизмати сурати.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади СОЛИҚДАН ҚОЧАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАР МУАММОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бугун мамлакатимизда кечаётган ислохотлар ҳақида сўз борганда, мутахассислар бунга иқтисодийнинг етакчи соҳаларида юзга келаётган муаммолар, жумладан, “яширин иқтисодий” салбий таъсир кўрсатаётганини кўп бора таъкидлашди.

Хусусан, божхона соҳасида ички бозор ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари ҳимоясини таъминлашда таъсир чоралари етарли бўлмаётгани, аксарият маҳсулотларнинг нақд пул эвазига четдан мамлакатимизга олиб келиниши ёки ҳуфийна йўллар билан сотилиши юртимиз иқтисодий ҳавфсизлигига жиддий ҳавф солаётган муаммолардир.

Шу билан бирга, солиқдан қочиб фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг борлиги ва уларнинг айрим “ҳомийлар” томонидан қўллаб-қувватланиши ачинарли ҳолатлардан.

Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун мамлакат иқтисодийнинг жозибадорлигини оширишда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмол-

чилар учун хом ашё маҳсулотларини етказиб бериш жараёнидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, лицензиялаш, сертификат ва рұхсатномалар бериш тизимидаги тўсиқлар масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатда бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга оид масалалар муҳокама қилинди.

2

Хушхабар Янги газ қони очилди

Булоқбоши туманида яна бир янги газ қони очилди. “Чақар” номи билан аталуви ушбу қоннинг 1 кунлик дебети 300 миң куб метрга тенг бўлиб, у 1710 метр чуқурликдан олинмоқда.

Март ойидан буён олиб борилган бургилаш ишлари натижасида аниқланган ушбу қонда тез кунларда газ конденсатини ўрганиш, таркибий қисмларнинг параметрларини аниқлаш ишлари олиб борилади. Қолаверса, яна иккита қудуқда бургилаш ишлари бошланиш арафасида.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ НЕГА ҚАЙТА НОМЛАНДИ?

2019 йил 12 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Халқ вакиллари ишни қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган “Гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг овқатланиши тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқишдан бошладилар. Таъкидлаш жоиз, 2019 йил 2 апрелда биринчи ўқишда қабул қилинган мазкур қонун лойиҳаси устида узоқ ишланди, унда ўз аксини топган нормалар маромига етказилди, депутатлар томонидан билдирилган тақлифлар асосида янги тушунчалар киритилди. Қонуннинг мақсади “овқатланиш” жараёнини тартибга солиш эмас, “озуқалар”га, бошқа предметларга бағишланганини қайд этиб, депутатлар лойиҳа номи мазмунига мос бўлиши учун унинг номини ўзгариштириш кераклигини зарур деб ҳисобладилар. Шу тариха лойиҳанинг мазмуни ва нормаларидан келиб чиқиб, қонуннинг номи “Она сути билан озиклан-

тиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида” дея қайта номланди. Аслида ҳам, қонун лойиҳаси болаларни озиклантириш жараёнига эмас, балки улар истеъмол қиладиган озуқаларга, она сути билан озиклан-тиришни қўллаб-қувватлаш ва гўдакларнинг озиқ-овқатига қўйилаётган талабларни тартибга солиш нормаларини ўз ичига олган.

Таъкидлаш жоиз, мазкур лойиҳани маромига етказишда депутатлар баҳс-мунозараларга сабаб бўлган барча моддаларнинг атрафлича муҳокама қилиб, шиқ-пухта ҳолга келтирди. Норма ижодкорлиги талаблари асосида ҳаволаки нормалар чиқариб ташланди ва улар ўрнига тўғридан-тўғри ишлайдиган моддалар киритилди.

2

ЁШЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЁТГАН ТАШАББУСЛАР

Давлатимиз раҳбарининг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича беш муҳим ташаббуси ёшлар ҳаётини янгича мазмун билан бойитиб, орзулари рўёбига кенг йўл очмоқда.

Мулоҳаза

Тошкент вилоятининг Бўка туманида ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхонлик маданиятини ошириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган ва намуна

сифатида ҳаётга татбиқ этилган ишлар бугун юртимиз бўйлаб кенг қулоч ёзаётди.

Таъкидлаш керакки, турли зиддиятлар қўчайиб бораётган бугунги даврда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш, маънавий иммунитетини кучайтириш ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Хўш, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуси олий таълим муассасалари ҳаётига татбиқ этиш талаб даражасида?

Айтиш лозимки, ёшларни мутолаадан завқ олишга ўргатиш, китобларнинг сирли оламига олиб кириш — анчайин машаққатли ва мураккаб жараён. Чунки, ахборот технологиялари ривожланган бугунги кунда тури интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда бўш вақтини ўтказиш йигит-қизлар учун оддий ҳолга айланган. Мазкур жараёнда фарзандларимизда

замонавий технологиялардан мақсадли фойдаланиш кўникмаларини ва маданиятини шакллантириш талаб этилади. Акс ҳолда, биз уларга туҳфа қилаётган китоблар ҳатто ва рақланмай, фақат кутубхоналар безагига айланиб қолиши мумкин.

Шунинг учун китобхонликка доир кўрик-танловлар ва фестивалларни ҳам шунчалик ўтказиб бўлмайди. Бор эътиборни ёшларнинг билимлар қанбаи билан дўстлашишга қаратсак, кутулган самарга эришамиз.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини қатъий ошириб бориш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қўлай шарт-шароитларни яратиш ҳамда республика фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида:

1. 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилсин.

2. 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан энг кам: иш ҳақи — ойига 223 000 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 436 150 сўм; болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа — ойига 436 150 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 267 650 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилансин, 2019 йил 1 августдан бошлаб: II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик пенсиялари энг кам миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан 75 фоизига оширилсин;

II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар — пенсионерларнинг пенсияларига устама миқдори энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 75 фоизига оширилсин;

бюквичсини йўқотганлик нафақаси миқдори меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари сонига амалдаги фуқаролар нисбати сақланган ҳолда ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб белгилансин.

4. 2019 йилнинг 1 августидан I гуруҳ ногиронлик нафақаси, шунингдек, 16 ёшдан катта болаликдан I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчиларга ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдоридан қўшимча тўлов жорий қилинсин.

5. Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилган ташкилотлар ва муассасалар билан биргаликда бюджет муассасалари ва ташкилотларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорларининг мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишишни таъминлансин.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамағармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорларини қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат ҳақ тўлашининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорларини энг кам иш ҳақи мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5723-сон Фармонида мувофиқ 2019 йилнинг 1 сентябридан энг кам иш ҳақи миқдори ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори, базавий ҳисоблаш миқдори ва пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори киритилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5723-сон Фармони 1-бандида:

иккинчи хатбошидаги “577 170” рақами “634 880” рақами билан алмаштирилсин;
учинчи хатбошидаги “202 730” рақами “223 000” рақами билан алмаштирилсин;
тўртинчи хатбошидаги “202 730” рақами “223 000” рақами билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-5553-сон Фармони унинг 4 ва 8-бандлари истисно қилинган ҳолда 2019 йилнинг 1 августидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 12 июль

ХАЛҚИМИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН МУҚАДДАС МАСКАН

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида олға сурилган ташаббуслардан келиб чиққан ҳолда, 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг Диний-ижтимоий жараёнларни ўрганиш ахборот-таҳлил маркази, Ҳадис илми мактаби, “Вақф” хайрия жамоат фонди ва Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ташкил этилиши жамият ривожига муҳим ўрин тутди.

Фармон асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида “Вақф” хайрия жамоат фондининг ташкил этилиши ва фонд маблағлари ҳисобидан диний таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари фаолиятининг молиялаштирилиши, мутахассислар ва соҳа ходимлари уй-жойлар билан таъминлашни ижобий самара бериши аниқ. “Вақф” хайрия жамоат фонди фуқароларнинг диний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, йилгилб қолган қўллаб-қувватлашни ҳал этиш йўлида кенг қўллаб-қувватлашни илмий-тадқиқот тўғрисидаги Фармонда кўзда тутилган эзгу ишлардан бири, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети ва Ўзбекистон ислом академиясининг ташкил этилганидир.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясига муқаддас динимизни мукамал ўрганиш, жамиятда тинчлик-тотувлик қанолати бўлган бағрикенглик таъминлашни шакллантириш, ажодларимиз хотирасига ҳурмат ҳамда халқимиз хоҳиш-иродаси ва орзу-истаги рўйи сифатида асос солинди.

Академия олдига қўйилган вазифаларни бажариш жараёнида республикамизда фаолият олиб бораётган ва хорижий олий диний таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамият касб этади. Аини пайтда исломшунослик, мумтоз Шарқ филологияси ҳамда ислом иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар факультетлари таркибиде фаолият олиб бораётган ўн иккита кафедрани бакалаврият, магистратура ва докторантура босқичларида таълим беришмоқда. Исломушунослик, қуръоншунослик ва ҳадисшунослик, акйда ва тасавуф, ислом ҳуқуқи, ислом тарихи ва манбашунослиги, филология ва тилларни ўқитиш, мумтоз Шарқ адабиёти, диншунослик, халқаро муносабатлар, иқтисодиёт, ислом иқтисодиёти ва молияси, филология ва тилларни ўқитиш (араб тили), психология (дин соҳио психологияси), тарих (ислом цивилизацияси), зиёрат туризмининг ташкил этиш ва бошқариш, исломда банк иши мутахассислари бўйича маҳаллий ҳамда хорижий миқдодда ортик талабалар кундузги таълим шаклида сабоқ олмақда.

Академиянинг Манбалар хазинаси бўлимида илмий-маънавий, диний-маърифий меросимиз дурдоналари бўлган қадимий кўлемза ва тошбосма асарларни жамлаш, сақлаш ҳамда уларни келгуси авлодларга етказишга қаратилган тадқиқот ишлари олиб борилади.

Кўлемза ва тошбосма китоблардан иборат фондими аҳоли қўлида сақланаётган қадимий китобларни сотиб олиш эвазига бойитиб боришмоқда. Бугунги кунда бўлимда 500 га яқин кўлемзалар, 1500 га яқин тошбосмалар, 10 000 дан ортик замонавий нашрлар мавжуд. 2004 йили моҳир хаттот Ҳабибулло Солиҳ томонидан қўчирилган Усмон мусқафнинг нусхаси, улуг аждодимиз Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарининг асл нусхаси шу бўлимда сақланмоқда.

Халқаро алоқалар бўлими жаҳондаги етакчи ўқув даргоҳлари, илмий-тадқиқот марказлари қаторидан жой эгаллаш, хорижий профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, олимлар билан ҳамкорлик ўрнатилиш, академия мутахассисларининг нуфузли хорижий олий таълим муассасаларида амалиёт ўташини таъминлаш, талабаларнинг академик амалиётини йўлга қўйиш, қўшма факультетлар, кафедралар ташкил қилиш, меморандум ва ҳамкорлик шартномалари тузиш борасида тинимсиз изланишлар олиб боришмоқда. Ҳозирги кунга қадар бўлим иштирокида Мисрнинг Ал-Азхар, Туркиянинг Ибн Халдун, Займ, Салжук, Кастамону, Қозғистоннинг Нур-Муборак, Индонезиянинг Жакарта Саҳид ва Султон Шариф Қосим, Риау давлат ислом университети, Буюк Британиянинг Кембриж ҳамда Марказий Осиё форуми билан ўзгара аниқлашув меморандумлари имзоланди.

Айниқса, бўлим томонидан таълим сифатини юксалтириш ҳамда профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш

да етакчи таълим даргоҳи саналган Буюк Британиянинг Норвич шаҳридаги NILE (Norwich Institute Language Education) тил ўқитиш институти билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгани ва у ерда академиянинг инглиз тили ўқитувчиларининг малака ошириши йўлга қўйилгани қувончли ҳолдир.

Жорий ўқув йили бошидан бугунги кунга қадар Мисрдаги Айн Шамс университети тарихчи-филолог профессор Мағда Махлуф хоним, Қоҳира университети тарихчи-этнографи профессор Аҳмад Ражаб Муҳаммад Ризк, “Хивар” таҳлилий маркази илмий ходими Аҳмад Абдо Тарабик, Хитой халқ сийёсий маслаҳатлашув кенгашининг Миллий ва диний масалалар бўйича кўмитаси вакиллари, АҚШдаги Миллий масжид президенти ва имоми Талиб Шариф, Ислам тариқоти президенти Бандр Хожар, унинг бош маслаҳатчиси Ҳаёт Синди, Мамлакатлараро алоқалар ва хизматлар департаменти директори Ирфон Бухари, Режаляштириш, дастурлаш ва протокол департаменти директори Муҳаммад Обида, Олмаота худудий ваколатхонаси директори Ҳишам Маъруф, шу ваколатхона протокол хизмати раҳбари Халид Алдий ҳамда банкнинг Ўзбекистондаги вакили Хусан Ҳасанов, Йорданияда жойлашган “Абу Газала групп” компаниясининг фахрий вакили Самир Жумхурни хорижий меҳмон сифатида кутиб олди.

Миср Бош имоми Шайх Аҳмад Муҳаммад ат-Тойиб бошчилигидаги Ал-Азхар жамаъаси вакилларидан иборат нуфузли делегация ташрифи нафақат академия, балки мамлакатимиздаги бошқа қўллаб-қувватлаш муассасалари ҳаётидаги ёрқин воқеалардан бири бўлди. Бу ташриф натижасига кўра, шаръий ва дунёвий масалалар бўйича қарашлари катта аҳамиятга эга бўлган, халқаро ҳамжамият томонидан хотин-қизлар ҳуқуқининг фаол ҳимоячиларидан бири сифатида тан олинган, фалсафа ва ислом ҳуқуқи бўйича қўллаб-қувватлаш ва тарғиблар муаллифи, Миср Бош имоми — Шайх Аҳмад Муҳаммад ат-Тойиб академиянинг фахрий профессорлари сафидан жой олди. Академия ва Ал-Азхар университети ўртасида ҳамкорлик ҳамда ҳамфиқрликни ўзда мустақим эгтан аниқлашув меморандуми имзоланди.

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган “Замонавий дунёвий давлатда ислом” номли II халқаро илмий-маънавий анжуманда, Туркия Республикаси Президентини ҳузуридаги Диниёт ишлари бошқармасининг Ибн Халдун университети билан ҳамкорликда ташкил этилган “XXI аср таҳдидлари ва ислом маърифати” номида халқаро анжуманида, IRCICA халқаро ташкилотиде, Қозғистон, Россия, Малайзия ва

Академияда хорижий ҳамкорлар иштирокида Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш — ЮНЕСКО, Ислам цивилизациясини ўрганиш — ISESCO, Араб тили ва адабиёти — Ал-Азхар ҳамда Ислам тарихи ва манбашунослиги — IRCICA кафедралари фаолият кўрсатмоқда. Яқинда эса Ислам тарихи, санъати ва маданияти тадқиқот маркази — IRCICA билан биргаликда ташкил этилган “Ўзбекистонда исломшунослик: ютуқ ва истиқболлари” мавзусидаги халқаро семинар ҳамда унинг доирасида бўлиб ўтган “Самарқанд мусулмон олимлари эпитафиялари (X — XIV асрлар)” китобининг тақдимот маросимида етакчи олимларимиз сафиде хорижий мутахассислар Мовароуннаҳрда ислом динининг тарқалиши, диний таълим ривожланиши, унинг истиқболлари, исломшунослик йўналишлари, ислом дини тарғибига улкан ҳисса қўшган буюк уламоларимиз илмий мероси, мотуридия таълимотига оид маълумотларни тадқиқ қилиш каби долзарб мавзуларда маърузалари билан иштирок этдилар.

Ислам ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) муҳим орамини ҳисобланган Ислам тарихи, санъати ва маданияти тадқиқот маркази академиянинг энг яқин ҳамкорларидан биридир. Ушбу ташкилот бош ди-

Академияда хорижий ҳамкорлар иштирокида Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш — ЮНЕСКО, Ислам цивилизациясини ўрганиш — ISESCO, Араб тили ва адабиёти — Ал-Азхар ҳамда Ислам тарихи ва манбашунослиги — IRCICA кафедралари фаолият кўрсатмоқда.

ректори Халит Эренни илм-фан равнақига қўшаётган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Фахрий доктор” унвони билан мукофотлади.

Халқаро семинарга Халит Эреннинг ташрифи буюриши ва ушбу тадбир доирасида академияда Ислам тарихи ва манбашунослиги — IRCICA кафедрасининг очилишига қатнашиши ҳамкорлик алоқалари амалий босқичга кўтарилганидан далолат беради.

Талабалар орасида диний бағрикенглик юзларини тарғиб этиш, уларни дунё динлари тарихи ва таълимоти билан яқиндан таништириш, мавзу юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб бориш, Санкт-Петербург (Россия), Бишкек (Қирғизистон), Бухарест (Руминия) ва Фрибург (Швейцария) университетларининг турдош кафедралари билан алоқаларни ривожлантириш бўйича муайян ишларни амалга ошираётган ушбу кафедра ҳар

Ўзбекистон ислом академиясида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — ISESCOнинг Махсус кафедрасини ташкил этиш борасидаги тақлифига асосан йўлга қўйилган. Аини пайтда кафедрани Ислам цивилизацияси тарихи, Мусулмон мамлакатларида таълим тизими, Марказий Осиё мутафаккирларининг диний-маърифий мероси, Халқаро ва минтақавий ислом ташкилотлари, Ислам ва жамият каби фанлар бўйича ўқув машғулотлари олиб боришмоқда. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида Россия Федерацияси, Қирғизистон ва Тожикистон Республикаси фуқаролари таҳсил олмақда. 2019 йилдан бошлаб, Россия мусулмонлари диний кенгаши муфтийси Альбир Крганов докторантурага қабул қилинди.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Зиё” медиа-маркази, нашриёт-матбаа бирлашмаси, ўзбек, инглиз, рус, араб тилларида нашр этилувчи “Ислам тафаккури” журнали ҳамда iia.uz веб-сайти орқали ўз фаолиятини ёритиш, аҳолининг диний-маърифий мавзулардаги материалларга бўлган эҳтиёжини қондириш, тарғибот ва таъшиқот ишларини ташкил этиш имконига эга. “Зиё” медиа-маркази томонидан марказий телеканаллар орқали эфирга узатилувчи “Имом Бухорий сабоқлари” ва “Ҳидоят сари” кўрсатувлари кўп сонли мухлислар эътиборини қозонган.

Халқимизнинг исломий йўналишдаги илмий-оммабоп материалларга бўлган талабига кўра ташкил этилган “Ислам тафаккури” журнали янги нашр бўлиб, унда турли рунлар остида профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, мутахассисларнинг

илмий, илмий-оммабоп мақолалари, тадқиқотлари натижалари, қизиқарли маълумотлар ва ахборотлар бериб борилади.

Академия таркибидеги “Зиё-зукко” умумтаълим мактабиде 295 нафар ўқувчи ўзбек ва рус тилларида таълим берилади. Бу мактабда ўқувчилар инглиз ва рус тилларини 1-синфдан, араб тилини 2-синфдан ўрганишлари мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси таркибиде 40 нафар малакали ўқитувчи-педагог фаолият кўрсатиб келаётган академик лицейда 609 нафар ўқувчи хорижий филология (араб ва инглиз тили), аниқ фанлар (иктисодиёт ва техника) ва ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида таълим олмақда.

Мактаб ва академик лицей ўқувчиларининг жисмонан соғлом, ақлан етуқ ривожланиши учун шахмат, таэквондо, бадий гимнастика каби спорт тўғараклари ташкил этилган.

Эътибор қилсак, Ўзбекистон халқаро ислом академияси томонидан мактабга таълимдан ташқари умумтаълим, ўртамахсус таълим, бакалаврият, магистратура ва докторантура босқичлари қамраб олинганини аниқлашим.

Таълим соҳасида самарадорликни ошириш, ўқитувчи-педагоглар билими, малакаси ва тажрибасини бойитишда малака ошириш марказлари нийоятда муҳимдир.

Академиянинг Самарқанд ва Тошкент шаҳарларидаги малака ошириш марказлари диний соҳа вакиллари, жумладан, имом-хатиблар, имом ноиблари ҳамда ўрта, туликсиз олий ва олий диний таълим беришчи таълим муассасаларининг педагог кадрлари малакасини ошириш, уларни замонавий билим ва кўникмалар билан қуроллантириш йўлида фаолият олиб боришмоқда.

Халқимиз ва зиёлиларимиз, кўп сонли қизиқувчиларнинг истакларини инобатга олган ҳолда, улар учун зарур бўлган диний-маърифий адабиётларини нашр этиш муҳим вазифалардан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда, “Ислам” энциклопедияси ва бошқа мавзулардаги адабиётлар академия олимлари томонидан нашрга тайёрланмоқда. Энциклопедия бўлими, Илмий-тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар маркази ҳамда Нашриёт-матбаа бирлашмаси ходимлари олиб бораётган ишлар, илмий изланишлар ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

Аини пайтда академия нашриёти малакали мутахассислар, маҳоратли муҳар-



рирлар ва журналистларни ишга жалб этиш эвазига сезиларли ислохотларни бошлади. Натижада Сузукота проспекти, Шайх Абдулазиз Мансурнинг “Қуръон. Маънолар тарғибига ва тафсири” асарини, академиянинг ўзига хос тарзда тайёрланган проспекти нашр этилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилда Бухоро вилоятига қилган ташрифи довомида ислом тариқатининг оламга машҳур етти пирини — Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобо Самосий, Саййид Амир Кулол ва Хожа Баҳауддин Нақшбанд ҳақида китоб яратиш юзасидан берган кўрсатмаси асосида тайёрланган “Тариқатнинг етти пирини” китоб-альбомини нашрга тайёрлаш ишлари якунланди.

Улуг бобомиз Бурхониддин Марғиноний қаламига мансуб “Ҳидоя” асарининг аслидан қилинган тарғибига асосида “Намоз” ва “Таҳорат” китоблари ҳамда исломшунослик олим Эргаш Даминов муаллифлигида Абу Муин Насафий ҳаёти ва асарлари ҳақида ҳикоя қилувчи “Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган буюк аллома” асарлари нашрга тайёрланмоқда.

Бугун диний соҳа вакили деганда фақатгина ибодат маросимларини ўтказувчи, дунёқарашини диний тасавуфлар билан чегараланган кишиларни тушуниш нотўғри бўлишини таъкидлаш лозим. Ўз фаолиятини бошлаганига ярим йил ҳам бўлмаган Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бундай тасавуфлардан йироқ, чин маънода иқтидорли талабалар ўқийётгани кишида келажакка ишонч ҳиссини оширади.

“Тасавуф намояндалари” мультимедиа интерактив ўқув қўлланмаси, “Марказий осийлик мутақаллим олимларнинг илмий мероси” мультимедиа интерактив қўлланмаси, “Ўзбекистон — буюк алломалар юрти” виртуал дастури, “Ҳадис илми мактаби” мультимедиа дастурий таъминоти, “Халқаро ва минтақавий ислом ташкилотлари” мультимедиа дастури Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кафедрасининг иқтидорли кадрлари ва талабалари яратган ахборот дастуриларидир.

Интернет фойдаланувчиларининг асарияти андроид платформасида ишловчи смартфонлар, планшетлар ва бошқа қурилмалардан фойдаланиши ушбу платформани қўллаб-қувватлайдиган дастурий таъминотлар ва мобил иловаларга катта эҳтиёжни юзага келтирган.

Академиянинг иқтидорли дастурчи талабалари бу эҳтиёжни инобатга олиб

“Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси ва Мотуридия таълимоти”, “Тошкент шаҳри масжидлари дислокацияси. Online харитаси ва 3 D моделлар”, “Зиёрат туризми” бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилида Бухоро вилоятининг диний, тарихий, маданий зиёратгоҳлари суратларини ўзида жамлаган, қадамжолар ҳақида батафсил маълумот беришчи, зиёратгоҳларнинг онлайн харитаси мавжуд бўлган андроид платформасида ишловчи геолокацион тизим, “Ўзбекистонда ислом цивилизацияси”, деб номланган автоматлаштирилган ахборот дастури ва “Урта Осиё олимлари қомуси” каби иловаларни яратишди.

Мазкур мобил иловалар ва дастурий таъминотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қўлай шартлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Иловалар ва дастурлар Ўзбекистонда зиёрат туризми соҳасини ривожлантириш, сайёҳлик йўналишидаги ахборотни сотиш, уни янги қандашлар асосида узатиш борасида кенг имкониятлар эшигини очди.

Диний-маърифий соҳада йил давомида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, бу эзгу ишлар ривожига ва рўйбига 2018 йил 16 апрелда эълон қилинган “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий Фармон сабаб бўлганини унутмаслик лозим.

Шу кунларда Ўзбекистон халқаро ислом академиясига 2019/2020 ўқув йили учун чет эл фуқароларини бакалаврият, магистратура ва докторантурада ўқиш учун қабул жараёни давом этмоқда. Хорижий абитуриентлар академияга кириш имтиҳонларидан озод этилади ва суббат асосида қабул қилинади. Талабалар истакларига кўра, ўзбек ва рус тилида ўқишлари мумкин. Уларга диний ва дунёвий фанлардан ўз соҳасининг етуқ профессор-ўқитувчилари дарс беради.

Академияда исломшунослик (қуръоншунослик, ҳадисшунослик, ислом ҳуқуқи, акйда ва тасавуф, ислом тарихи ва манбашунослиги), филология ва тилларни ўқитиш (араб тили), диншунослик, халқаро муносабатлар, хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мусулмон мамлакатлари), туризм (зиёрат туризми), психология (дин соҳио психологияси) каби йўналишларда бакалаврлар, халқаро муносабатлар ва замонавий сийёсий жараёнлар, туризм (зиёрат туризми ташкил этиш ва бошқариш), хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мусулмон мамлакатлари), диншунослик, тарих (ислом цивилизацияси), қуръоншунослик, ҳадисшунослик, ислом ҳуқуқи, акйда, қалом илми ва акидавий таълимотлар, ислом тарихи ва манбашунослиги, психология (дин соҳио психологияси), лингвистика (араб тили), ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги, қиёсий диншунослик сингаги мутахассисликлар бўйича эса магистрлар тайёрланади. Қуръоншунослик, ҳадисшунослик, фикҳ, акйда, қалом илми ва акидавий таълимотлар, мумтоз Шарқ адабиёти ва манбашунослиги, ислом тарихи ва манбашунослиги, диншунослик бўйича таянч докторантура йўналишлари мавжуд.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Матбуот хизмати.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 52 427 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Манзиллимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Матбуотчилик муассислар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб-қувватлаш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. Ташриятга келган кўлемзалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг мазмунини берилгани учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.40 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6